

56-боб. Номаҳрам қўшниларга кўз олайтирманг!



20:00 / 23.08.2019 2700

Миқдод ибн Асваддан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан зино ҳақида сўрадилар.

«У ҳаромдир. Уни Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган», дейишди.

«Қўшнисининг хотини билан зино қилиш ўнта бегона хотин билан зино қилгандан ёмонроқ», дедилар.

Сўнг ўғрилик ҳақида сўрадилар.

«У ҳаромдир. Уни Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган», дейишди.

«Ўнта уйга ўғриликка тушиш қўшнининг уйига ўғриликка тушишдан енгилроқ», дедилар».

Шарҳ: Қўшнининг ҳаққи шу қадар катта экан. Қўни-қўшничилик алоқалари бузилишининг бош сабабларидан бири ҳам номаҳрам қўшниларга кўз олайтиришдир. Бундан қўшнининг бошқа нарсаларига кўз олайтиришнинг ҳукми ҳам шундай экани келиб чиқади.

Ҳадиснинг иккинчи ярмида қўшнинг уйини ўғирлаш бегона уйни ўғирлашдан ёмонроқ гуноҳ экани айтилган. Чунки қўни-қўшничилик алоқаларининг яхши бўлиши бутун жамиятнинг ислоҳ бўлишига олиб келади.

Бир қўшни иккинчисига хиёнат қилдими, униси ҳам бунга хиёнат қилади. Бориб-бориб, ҳамма бир-бирига хиёнат қилишга ўтиб кетади. Чунки жамият қўшнилари ушбу йиғиндидан иборатдир.

Бир одам Аллоҳ таолодан қўрқиб, қўшнинг ҳаққига риоя этса, уни ҳурмат қилса, унинг аҳли аёлига, мол-мулкига кўз олайтирмаса, бундай қилишни хаёлига ҳам келтирмаса, қўшниси ҳам унга худди шундай муносабатда бўлади. Бундан бошқа қўшнилари ҳам ўрнак оладилар.

Шу тариқа бутун жамият бир-бирига яхши муносабатда бўлади, юқоридаги гуноҳ ишларга ўрин қолмайди, охир-оқибат бу жамият бахтли-саодатли, тинч-тотув яшайдиган жамиятга айланади.

Бунинг акси бўлса, бир қўшни иккинчисига хиёнат қилади, униси нариги қўшнига хиёнат қилади, натижада бутун жамият бир-бирига хиёнат қиладиган, алдайдиган, обрўсини тўкайдиган, молини ҳаромдан ейдиган жамиятга айланади. Бундан Аллоҳ таолонинг Ўзи сақласин.

Ушбу ҳадисдан олинган фойдалар:

1. Зинонинг ҳаромлиги. Уни Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилганлари.
2. Қўшнисининг хотини билан зино қилиш ўнта бегона хотин билан зино қилгандан ёмонроқлиги.
3. Ўғрилик ҳаромлиги. Уни Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилгани.
4. Ўнта бошқа жойдаги уйларга ўғриликка тушиш қўшнинг уйига ўғриликка тушишдан ёмонроқлиги.
5. Қўшнинг ҳаққи бошқаларникидан анча устунлиги.

«Одоблар хазинаси» китобидан